

---

## ФАРФОНА-КОРЕЯ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КҮЛАМИ КЕНГАЯДИ. КОРЕЯГА БОРУВЧИЛАР УЧУН КОРЕЙС ТИЛИДАН EPS-ТОРИК ТЕСТ ИМТИХОНЛАРИНИ ФАРФОНАДА ТАШКИЛЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Корея мактаблари хавфсизлигига күмаклашиш ассоциацияси бошқаруви раиси Хун Чунг ҳамда Корея марказлашган иситиш корпорацияси (KDHC) бошқармаси бошлиғи Жоа Юл Кимни, шунингдек, Фарфона шаҳридаги Корея халқаро университети ректори Парк Жун Хони қабул қилди.

Учрашувда йил сайин ривожланиб бораётган Фарфона вилояти ва Корея ўртасида ҳамкорлик алоқалари күламини янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, шу жумладан, мактаб ўқувчилари хавфсизлигини таъминлашни тизимли ташкил этишда, марказлашган иситиш тизимларида инновацион технологияларни жорий этишда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув давомида шунингдек, Кореяга борувчилар учун корейс тилидан EPS-Торік тест имтиҳонларини Фарфона шаҳрида Корея халқаро университети қошида ташкил этиш масаласи күриб чиқилди. Вилоят ҳокими бундай имтиҳонларнинг Фарфонада ўтказилиши ўн миллиондан зиёд водий вилоятлари ахолиси учун қулайлик яратишни таъкидлади. Бу борада Кореяning Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Кореядаги масъул давлат идоралари билан биргаликда иш ташкил этишга келишиб олинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Нуридин Мамажонов, соҳаларга масъул вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлар ҳам иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-16 18:51:43